
Туркиялик мутахассислар Қува туманида бўлишди.

Жорий йилнинг 30 март куни Туркия Республикасидан ташриф буюрган юқори малакага эга бўлган мутахассислар Қува туманида бўлиб кўчатчилик фаолияти билан танишдилар.

Қува туманидаги “Томорқа ер участкаларини ривожлантириш илмий-амалий маркази” МЧЖ томонидан кўчатчилик соҳасида амалга оширилаётган ишлар билан танишдилар.

Мутахассислар ташрифи давомида бугунги кундаги сув танқислигини олдини олиш ҳамда сув тежовчи технологияларни жорий этиш буйича тавсия ва таклифлар беришди.

2022-03-30 23:29:12